**“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”**

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2023 йил “ 7 ” декабр да
78-5 рақам билан рўйхатга
олинган.

**Марказий банк раисининг**
**биринчи ўринбосари**
**Н.Н.Сайдуллаев**

______________________________

# “АГРОБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

# УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Агробанк” АТБ Кузатув кенгашининг 2023 йил 17 ноябрдаги навбатдан ташқари йиғилишининг 10-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

**Кузатув кенгаши раиси**

________________ **А.Я.Хайдаров**

“Агробанк” АТБ
Кузатув кенгашининг
2023 йил 17 ноябрдаги
навбатдан ташқари
йиғилишининг 10-сонли
баённомасига 1-илова

**“Агробанк” акциядорлик тижорат банкининг 2020 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида 78-рақам билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни**

1. **Уставнинг 5-боб, 18-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“18. Банкнинг устав капитали 8 903 958 922 336 (Саккиз триллион тўққиз юз уч миллиард тўққиз юз эллик саккиз миллион тўққиз юз йигирма икки минг уч юз ўттиз олти) сўм бўлиб, қуйидагилардан иборат:

а) эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 7 622 752 502 (Етти миллиард олти юз йигирма икки миллион етти юз эллик икки минг беш юз икки) дона;

б) эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар 500 000 (Беш юз минг) дона.”

2. **Уставнинг 5-боб, 19-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:**

“19. Банк устав капиталини ошириш мақсадида банк чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари 6 579 116 528 (Олти миллиард беш юз етмиш тўққиз миллион бир юз ўн олти минг беш юз йигирма саккиз) дона акциялар, жумладан 500 000 (Беш юз минг) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли ва 6 578 616 528 (Олти миллиард беш юз етмиш саккиз миллион олти юз ўн олти минг беш юз йигирма саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акцияларининг номинал қиймати 1 168 (Бир минг бир юз олтмиш саккиз) сўм.”

**Кузатув кенгаши раиси** **А.Я.Хайдаров**

| | |
|---|---|
| **Молиявий директор** | **А.О.Йўлдошов** |

23 йил 17 ноябрь — 10 - сон — Toshken.sh

## “АГРОБАНК” АТБ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ МАЖЛИС БАЁННОМАСИ

**Қатнашдилар:**

| **Банк Кузатув кенгаши аъзолари** | **Иш жойи ва лавозими** |
|---|---|
| 1.Хайдаров Ахадбек Яхёбекович - Кузатув кенгаши Раиси | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари |
| 2.Рустамов Эркин Эркамович - Кузатув кенгаши аъзоси | Тошкент вилояти Зангиота туман ҳокими |
| 3.Мирзаев Тўлқин Эшқобилович - Кузатув кенгаши аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги – бошқарма бошлиғи ўринбосари |
| 4.Дарвишев Нурбек Муратович - Кузатув кенгаши аъзоси | “Ўзбек-Омон Инвестиция компанияси” МЧЖ инвестициялар бўйича бош менеджери |
| 5.Ортиқов Шахобиддин Хамроевич - Кузатув кенгаши аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат асиллик даражаси назорати инспекцияси бошлиғи |
| 6.Зайнутдинов Хуршид Давронович - хорижий тажрибага эга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси | Банк Эсхата, Кузатув кенгаши аъзоси, мустақил директор |

биринчи ўринбосари Э.А.Кахоров

Молиявий директор О.Йўлдошов

| | |
|---|---|
| 7.Хамрахуджаев Неъматхон Яхёханович - Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув кадрлари малакасини ошириш ва ҳудудий филиаллар билан ишлаш факультети декани, иқтисод фанлари номзоди |
| 8.Ахмедов Умид Машрапович - хорижий тажрибага эга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси | Майкрософт (Дания)-Сунъий интеллект ечимлари архитектураси департаменти директори |
| 9.Кадирова Дурдона Лукмановна- хорижий тажрибага эга Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси | Альянс банк (Украина) Кузатув кенгашининг мустақил аъзоси, KRK Kosovo Кузатув кенгашининг аъзоси, Chapter Zero Uzbekistan Бошқарув кенгашининг аъзоси Мустақил директор, Silk Road Group BV (Бельгия) бош директори |

**Таклиф этилганлар:**

| | |
|---|---|
| Маматкулов Рустам Уктамович | Банк Бошқаруви Раиси |
| Кахоров Эркин Азизжонович | Банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари |
| Қиямов Мухиддин Темурович | Банк Юридик департаменти директори |
| Очилов Шухратилла Тоштемирович | Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи |
| Рахмонов Хуршидбек Давудович | Банк Комплаенс – назорат бошқармаси бошлиғи |

**Йиғилиш раиси:**

| | |
|---|---|
| Хайдаров Ахадбек Яхёбекович | Банк Кузатув кенгаши Раиси |

**Йиғилиш котиби:**

| | |
|---|---|
| Очилов Шухратилла Тоштемирович | Банк Корпоратив бошқарув хизмати бошлиғи |

## КУН ТАРТИБИ

**"Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Банк Кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум банк Уставида белгиланади, бироқ у банк Кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш вақтига йиғилиш кворуми 100 фоизни ташкил қилиб, йиғилиш кун тартибидаги масалани ҳал қилиш учун етарли ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 августдаги ПҚ-284-сонли Қарорида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги 350,0 млрд. сўм банкнинг устав капиталини оширишга йўналтириш ва ушбу маблағлар ҳисобидан чиқарилган акциялар тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги номига расмийлаштирилиши белгиланган эди.

Банк Кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг устав капиталини қўшимча акциялар чиқарилиши йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги 7-сонли қарори қабул қилинди.

"Агробанк" акциядорлик тижорат банкининг 2023 йил 18 сентябрда P0026-29-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисида"ги қарорига асосан чиқарилган номинал қиймати 1 168 сўм бўлган 299 657 534 дона умумий қиймати 349 999 999 712 сўмлик эгасининг номи ёзилган оддий акциялар 2023 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигига белгиланган тартибда жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 18-моддасига мувофиқ жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон

қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18 ва 75-моддаларига ҳамда банк Уставига асосан эълон қилинган акциялар миқдори доирасида қўшимча акцияларни чиқариш (жойлаштириш) орқали банк устав капиталини кўпайтириш ҳамда ушбу масала юзасидан қарорлар банк Кузатув кенгаши томонидан қабул қилиниши белгиланган.

Шунга кўра, банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар тасдиқлаб бериш Кузатув кенгашидан сўралди. Банк Уставига киритилаётган ўзгартиришлар матни илова қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк Кузатув кенгаши томонидан кун тартибига киритилган биринчи масала овозга қўйилди.

**Кун тартибига киритилган масала бўйича овоз бериш натижалари:**

| Кузатув кенгаши аъзоларининг исми, фамилияси ва отасининг исми | Тарафдорлар | Қарши | Бетарафлар |
|---|---|---|---|
| Хайдаров Ахадбек Яхёбекович | Рози | | |
| Рустамов Эркин Эркамович | Рози | | |
| Мирзаев Тўлқин Эшқобилович | Рози | | |
| Дарвишев Нурбек Муратович | Рози | | |
| Ортиков Шахобиддин Хамроевич | Рози | | |
| Зайнутдинов Хуршид Давронович | Рози | | |
| Хамрахуджаев Неъматхон Яхёхонович | Рози | | |
| Ахмедов Умид Машрапович | Рози | | |
| Кадирова Дурдона Лукмановна | Рози | | |

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, банк Кузатув кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. 2020 йил 7 июлда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида йхатдан ўтказил 78-сон билан руйхатга олинган Уставига ўзгартиришлар овага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни амалдаги қонун жжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Марказий нкида рўйхатдан ўтказилсин.

3. Мазкур йиғилишда қабул қилинган қарорнинг ижросини таъминлаш нк Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

**Кузатув кенгаши раиси:** **А.Я.Хайдаров**

**Кузатув кенгаши аъзолари:** **Э.Э.Рустамов**

**Н.М.Дарвишев**

**Ш.Ҳ.Ортиқов**

**Т.Э.Мирзаев**

**Н.Я.Хамрахуджаев**

**Х.Д.Зайнутдинов**

**Д.Л.Кадирова**

**У.М.Ахмедов**

**Э.Р.Ражабов**

**Бошқарув раиси:** **Р.У.Маматкулов**

**Кузатув кенгаши котиби:** **Э.Р.Ражабов**

**Юридик департаменти директори** **М.Т.Қиёмов**

**Комплаенс назорат департаменти директори** **Х.Д.Рахмонов**

**Корпоратив бошқарув хизмати Бошқарма бошлиғи** **Ш.Т.Очилов**

| | | |
|---|---|---|
| **Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари** | | **Э.А.Кахоров** |
| **Молиявий директор** | | **А.О.Йўлдошов** |

100096, O'zbekiston Respublikasi,
Toshkent sh., Muqimiy ko'chasi, 43

headoffice@agrobank.uz
www.agrobank.uz

Tel: 1216

35-8/145
20.11.2023й.

**Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк раисининг
биринчи ўринбосари
Н.Н.Сайдуллаевга**

**Ҳурматли Нодирбек Нарзуллаевич !**

Ушбу хат билан 2023 йил 17 ноябрда бўлиб ўтган “Агробанк” акциядорлик тижорат банки Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишининг 10-сонли мажлис баёнига асосан банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилмоқда.

*Илова:*

*Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишининг 2023 йил 17 ноябрдаги 10-сонли мажлис баёни уч нусхада;*

*“Агробанк” АТБнинг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни уч нусхада.*

**Ҳурмат билан,**

**Кузатув кенгаши раиси** **А.Я.Хайдаров**

Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари
**Э.А.Кахоров**

**Тикилган ва рақамланган**

9 ( Тўққиз )

варақдан иборат

7 декабрь 2023 йил

Имзо

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI
THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
Devonxona
Chancellery